

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПОФИЛАКТИКАСИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ
МАЗМУН МОҲИЯТИ

Хамидов Азизжон Ўқтамжон ўғли
ИИВ Академияси 312-гурух курсанти

Аннотация: Мазкур мақолада мавзунинг долзарбилиги ва зарурати, хуқуқбузарликлар профилактикасидаги таълимотлар тушунчаси, моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш аҳамияти ёритилган. Бундан ташқари хуқуқбузарликлар профилактикасига оид таълимотлардан кенг қўламли фойдаланиши тақомиллаштириш. Айниқса бу борада Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридан фойдаланишига катта аҳамият берилган. Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида таърифланган фозил одам хислатларидан ахолининг хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини янада оширишда фойдаланиш.

Калит сўзлар: хуқуқбузарликлар профилактикаси, Абу Наср Фаробий, “Фозил одамлар шаҳри”, хуқуқий онг ва хуқуқий маданият.

Миллий давлагчилик илдизлари уч минг йиллик тарихга эга булган Ўзбекистон Республикаси XXI аср бусағасига келиб ўз миллий мустақиллигини қулга киритди. Бой миллий-маънавий меросимизни кайтадан ўрганилиш, ўзликни англаш, аждодларимиздан мерос миллий кадриятларни, узоқ тарихга эга булган миллий давлатчилигимиз анъаналарини тахлилдан ўтказиш қун тартибига чиқиши долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Миллий кадриялар ва маънавий-илмий меросни замонавий умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштириш миллий истиклолни мустаҳдамлаш ишининг муҳим бир кисмидир. Айни пайтда, миллий давлатчилигимиз тарихини, юртимизда давлат ва конунчилик борасидаги сиёсий-хукукий билимларни ривожланиши жараёнларини яхши анграб, билиб олиш учун жаҳон тарихидан, дунё маклакатларида бу соҳада кечган жараёнлардан яхши хабардор бўлиш зарур. Мамлакатимиз Президснти таъкидлаганидек «Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги қўп-қўп давлатлар асрлар давомида тўплаган тажриба ва демократик анъаналарни ривожланиш босиб ўтиб келган Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу килмоқдамиз ва унга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият хаётининг барча соҳаларини тақомиллаштириш, умуминсоний кадриятларни ижобий ўрганиб, ўз заминимизга татбик этиш лозим». Бинобарин, вакт ўтган сари инсоният ортирган тарихий тажриба ва билим, маънавий-маданий мерос қулами ортиб бораркаи, ўз навбатида тарихнинг хам давр учун булган аҳамияти кучайиб боради. Тарихнинг бундай умуминсоний маърифий, маънавий-тарбиявий кадриятлари жаҳон мамлакатлари сиёсий ва хукукий таълимотлари тарихига

хам тўла тегишлидир. Сиёсий ва хукукий таълимотлар давлат ва хукукни пайдо булиши натижасида вужудга келган. Сиёсий таълимотлар кенг маънода жамиятдаги синфлар, табақа ва тоифалар, миллатлар ва элатлар, шунингдек, давлатлар уртасидаги муносабатларни ифода эгувчи ғоялар, қарашлар ва вазифаларни ўз ичига олади. Бу қарашларнинг ўзагини хокимият масаласи, давлат тузиш ва бошқариш услублари масалалари ташкил қиласди.

«Таълимотлар» деганда турли шакллардаги назарий қарашларнинг моҳияти, тегишли билимларнинг тарихан майдонга келиши ва ривожланиши, сиёсий-хукукий куринишларни билиш чукурлашиб борган назарий концепциялар, ғоялар ва коидалар назарда тутилади. Сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихи фанинг вазифаси дунё сиёсий ва хукукий таълимотларинг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари, йуналишларини ёритишдан иборатdir²²⁹. Сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихи инсоннинг маънавий маданиятининг мухим таркибий кисмини ташкил этади. Уларда ўтган аждодларни улкан сиёсий-хукукий тажрибаси мужассамлашган бўклиб, озодлик, хукук, қонунчилик, сиёсат, давлатчилик муаммолари борасидаги қадим тадқиқотларнинг асосий йуналишлари ва натижалари ўз ифодасини топган. Бу кўп асрлик тажрибалар, ғоялар ва қулга киритилган натижалар замонавий сиёсий-хукукий қарашларга ва йуналишларга, хозирги кундаги назария ва амалиётга сезиларли даражада таъсир курсатмоқда. Бутунги кун муаммоларини англаб етиш ва келажак сари маъқул йул топиш максадида кишилар доимо мозийга мурожаат килишган ва бундан кейин хам шундай бўлиб колади. Бу ўтмишга, унинг анъаналарига курс-курона сигиннш натижаси булмай, балки инсониятнинг тарихий маконда ўзлигини англаш, утмиш ва келажак ўртасида ўз ўрнини топиш йўлидаги зарур воситадир. Шу маънода инсониятнинг тарихий манбаларда ўз ифодасини топган сиёсий-хукукий тафаккури ва маданиятининг тараккиёт йули, умуминсоний сиёсий-хукукий кадриятларнинг шаклланиш ва карор топиш жараёнлари мухим ахамият касб этади.²³⁰

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора қучайиб бораётганлиги жамиятда бу каби салбий омилларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш заруратини келтириб чиқармоқда.

Чунки, «хуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала хуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини

²²⁹ Қаранг: Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустаҳкамлаш – хуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 ноябр.

²³⁰ Мухитдинова.Ф.А Сиёсий ва хукуки таълимотлар тарихи-2011

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир»²³¹.

Яқин-яқингача ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш, чукур таҳлил қилиш ва бартараф этиш борасидаги ишлар кутилган самарани бермади.

Бу эса мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгаришиш, хусусан, қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар қўриш билан чекланмасдан, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотларининг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

«Лекин инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак»²³².

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарлиқдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди»²³³.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини такомиллаштириш зарурати «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг 104-бандида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармонининг 1-бандида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-

²³¹ Қаранг: Тартиб-интизом ва масъулиятни қучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.

²³² Қаранг: Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

²³³ Қаранг: Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

сонли қарорининг 1-бандида белгиланган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 9 февраль куни ўтказилган ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 29 июнь куни Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнининг 14-бандида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 17 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёнининг 8-бандида белгиланган топшириқларда ўз ифодасини топганлиги кўрилаётган масаланинг нақадар долзарб эканлигини яққол намоён қиласди.

Профилактика иши аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Бу борадаги ишлар, энг аввало, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай қўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратилмоқда.

Ушбу натижага жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик ҳулқ-авторини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш орқали эришиш кўзда тутилган.²³⁴

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этишда ҳар бир идора ўз билганича иш тутиши, муаммоларнинг ечимида умумий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сонли қарорига асосан, вилоят, туман ва шаҳарлар худудлари секторларга бўлинди. Секторларда ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоатчилик вакиллари мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигida 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш

²³⁴ Қаранг: Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб

масалаларига бағишенгандык видеоселектор йиғилишида ҳар бир сектор раҳбари жиноятчиликнинг ҳолати учун ҳам шахсан жавоб берниш, сектор раҳбарларининг бу борадаги масъулиятини ошириш мақсадида Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясини тузиш, унинг таркиби «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Маънавият ва маърифат маркази раҳбарларини ҳам киритиш, Комиссия фаолиятини Олий Мажлис Сенати томонидан мувофиқлаштириш белгиланди.

«Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оиласий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини қўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб борниш, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим»²³⁵.

2020 йилда мамлакатимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламли профилактик тадбирлар туфайли **1 минг 243 та маҳаллада**²³⁶, 2021 йилда эса **3 минг 205 та, яъни 35 фойздан зиёд** маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади²³⁷, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар **34,1 фойзга** (45292 / 29851) ёки **15 441 тага**, жиноятларда иштирок этган хотин-қизлар сони **37,9 фойзга**, ёшлар жиноятчилиги **33,4 фойзга**, муқаддам судланганлар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари эса, **49,8 фойзга** камайди²³⁸.

Халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бугунги даврнинг асосий талабига айланди. Мамлакатимизда «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган улуғвор ғояни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича самарали механизmlар яратилмоқда. Давлат идоралари мансабдор шахсларининг масъулияти кучайтирилиб, жамоатчилик олдида ҳисоб беришнинг таъсирчан механизmlари жорий этилмоқда.

Алоҳида аҳамият бериш жоизки, профилактика инспекторини «лавозимга тасдиқлаш» ва «қасамёд қабул қилиши» механизmlари жорий этилди.

Таъкидлаш ўринлики, эндиликда, профилактика инспектори лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

²³⁵ Қаранг: Президент: олдини олиш мүмкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда // Халқ сўзи. – 2017. – 21 нояб.

²³⁶ Қаранг: Президент: олдини олиш мүмкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда // Халқ сўзи. – 2017. – 21 нояб.

²³⁷ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишенгандан тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

²³⁸ Ички ишлар органлари фаолиятига оид раҳбарий ғоялар ва норматив-хукукий хужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги, 2019. – 813 б.

Аҳоли билан ўтказилаётган очиқ мулоқот натижалари бир ҳақиқатни яққол кўрсатмоқда: қўпгина жойларда одамлар маҳалласига бириктирилган профилактика инспекторини аксарият ҳолатда танимайди, профилактика инспекторларининг қўпчилиги халқ ҳаётидан, унинг дарду ташвишларидан узоқлашиб кетган. Бугунги қунда бундай салбий ҳолатларни тўлиқ барҳам бериш, профилактика инспекторлари лавозимларини халқнинг ишончи ва меҳрини қозона оладиган, халқпарвар, малакали мутахассислар билан жамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги қунда фуқароларимиз мансабдорлар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда. Бу – катта ўзгариш.

Айни вақтда қўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хом хаёл билан юриди. Аммо улар шуни қулоғига қуйиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз»²³⁹.

Профилактика инспекторларининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, уларнинг фаолиятини жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Эндиликда фуқароларнинг ижобий фикри профилактика инспекторлари фаолиятига баҳо беришда асосий мезонга айланди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, маъмурий назорат ўрнатиш ва бошқа ишларнинг судлар томонидан сайёр тартибда қўрилишининг йўлга қўйилганлиги нафақат суднинг тарбиявий ролини кучайтиromoқда, балки фуқароларнинг судма-суд овора-ю-сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам бермоқда. Жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қонуний, асосли ваadolатли қарорлар қабул қилинишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, халқнинг профилактика инспекторлари ва судлар фаолиятидан рози бўлишига ҳисса қўшмоқда.

«....жиноят содир этилмаётган маҳалла профилактика инспекторининг ойлик иш ҳақига 50 фоиз устама қўшиб берилади. Аксинча, ўз ҳудудида жиноятнинг қўпайишига йўл қўйган профилактика инспекторининг ойлигидан эса 50 фоиз ушлаб қолинади»²⁴⁰.

Бугунги қунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, савдо ва хизмат қўрсатиш обьектларида 114 мингдан ортиқ видеокузатув воситаси ўрнатилди. Уларнинг ёрдамида 10 мингга яқин жиноят фош этилди. 2017 йилда

²³⁹ Қаранг: Конституция – эркин ва фаровон ҳәётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

²⁴⁰ Қаранг: Конституция – эркин ва фаровон ҳәётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 14 фоизга²⁴¹, содир этилган жиноятлар сони 2017 йилга нисбатан 33,5 фоизга (73692 – 49011) ёки 24 681 тага²⁴² камайди ва бунда ана шу ишларнинг аҳамияти катта бўлди.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида, замонавий талаблар ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича таълим олувчилар сони кўпайтирилди.

Ички ишлар органлари учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари лавозимига асосан ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни саралаш ва тайинлашнинг (танлов асосида) самарали мезонлари жорий этилди.

Профилактика инспектори лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Жумладан, бу лавозимга олий маълумотга эга, касбий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлган шахслар тайинланиши, шунингдек, профилактика катта инспектори лавозимига ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланиши белгиланди.

Профилактика инспекторларининг билими ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, профилактика инспектори лавозимига биринчи маротаба тайинланаётган шахслар, шунингдек, ушбу лавозимда уч йил хизмат қилган шахслар тегишлича ўрнатилган тартибда касбий тайёргарлик курсини ва малака оширишни ўтайдилар. Биринчи бор лавозимга тайинланган профилактика инспекторига Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган тартибда бир йил муддатга тажрибали профилактика инспекторлари орасидан мураббий бириктирилади.

Таянч пунктларини зарурий техник воситалар, кўргазмали қўлланмалар, хизмат ҳужжатлари ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмалари билан доимий ва самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида таянч пунктлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода ёки унга яқин жойда жойлашади.

²⁴¹ Қаранг: Конституция – эрkin ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

²⁴² Ички ишлар органлари фаолиятига оид раҳбарий foялар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2019. – 813 б.

Профилактика инспекторларини бевосита ўзларига биректирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бу эса профилактика инспекторларини коммунал-маиший шароитларга эга бўлган, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қулай хизмат уй-жойи билан таъминлашга, шунингдек, уларнинг нуфузини оширишга ва хизматни самарали ўташини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «бундай уйлар профилактика нозирларининг кечаю қундуз ўз ҳудудида бўлиб, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашида муҳим аҳамиятга эга»²⁴³.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада: «Биз профилактика инспекторларининг яшashi ва ишлаши учун барча шароитларни яратиб бердик. Энди уларнинг салоҳиятини, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундан кейин маҳаллалардаги профилактика инспектори лавозимига танлов асосида уч нафар энг профессионал ходимдан биттаси саралаб олинади. Шундай қилсак, улар ўртасида рақобат кучаяди, одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган чинакам самарали тизим яратилади» деб, таъкидлайди²⁴⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнь куни қабул қилинган «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самара-дорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон қарори билан пойтахтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш таъминланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда «Хавфсиз пойтахт» концепцияси эксперимент тариқасида жорий этилди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича кенг қўламли ҳаракатлар бошлангани ва янги тизим яратилгани ижобий натижалар бермоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида мустаҳкам меъёрий- ҳуқуқий ва моддий-техник база яратилди, профилактика инспекторларининг иши ғоят масъулиятили ва шарафли касбга айланди.

²⁴³ Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.

²⁴⁴ Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри » асари, 2016.-320 б.
2. Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата.:1970. 303.с
3. Абу Наср Форобий. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида. "Мутафаккир" ҳалқаро ҳайрия жамғармаси. Тошкент "Ёзувчи".2002 ,376
4. Хайруллаёв М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. Тошкент .1963
5. Б.А. Матлюбов, Ў.Х. Мухамедов, А.С.Турсунов, З.А.Амиров, Б.Ф.Алимов. Маъсул муҳаррир Б.А. Матлюбов. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш://Дарслик., Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 295 б.
6. Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Ҳалқ сўзи. – 2017м
7. Ў.Х.Мухамедов, А.С. Турсынов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ // Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. –133 б.
8. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ислоҳотлар: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2018 йил 17 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 316 б.
9. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. ИИВ Академия.